# ДОЯХОТИН МАЙДОНИНИНГ ГЕОЛОГИК ТУЗИЛИШИ

**Панжиев Ҳикмат Аҳадиллаевич**

Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институти

E-mail: hikmat.panjiyev02@mail.ru

***Аннотация:*** *Мақолада Бухоро-Хива нефтгазли хавзасинидаги Дояхотин майдонининг геологик тузилиши ва чўкинди қатламининг стратиграфик таркиби килтирилган. Дояхотин майдонида бўр даври ётқизиқлар газоконденсатга истиқболли ҳисобланади.*

***Калит сўзлар:*** *Палеозой, мезазой ва кайнозой, Сузма, Аузбой, Кушаб, Янгиқазғон, Дояхотин, бўр, неоком, альб.*

***Abstract:*** *The geological structure and stratigraphic structure of the sedimentary layer of the Doyakhotin field in the Bukhara-Khiva oil and gas basin are presented in the article. Cretaceous deposits in the Doyakhotin area are promising for gas condensate.*

***Key words:*** *Paleozoic, Mesozoic and Cenozoic, Suzma, Auzboy, Kushab, Yangikazgan, Doyakhotin, Cretaceous, Neocomian, Albian.*

**Стратиграфия** Ҳудуднинг геологик жиҳатдан тузилишида палеозой, мезазой ва кайназой даврларига тегишли қатламлар иштирок этади.

Майдон батафсил ўрганилган бўлиб меза – кайназой даврига тегишли бўлиб, асосан юра даври қатламлари ҳисобланади, бунда қазиш қудуқларидан олинган материаллар тахлили батафсил ҳолатда келтирилиб, ҳудуд қатламлари газ заҳираларига бой эканлиги таъкидланади.

**Палеозой гуруҳи** Ҳудудда палеозой даврига тегишли қатламлар Чоржой поғонаси ҳудудида қуйидаги чуқурлик қатламлари бўйича очиб, ўрганилган: 1866 метр (Аузбой майдонида, №1–қазиш қудуғида); 1797–2526 метр (Янгиқазғон майдонида, № 2, 5, 10, 12–қазиш қудуқларида); 2478–2584 метр (Дояхотин майдонида, № 1, 6, 7 – қудуқларда).

Бу қудуқларда очиқ ҳолатга келтирилган палеозой даврига тегишли қатламлар қалинлиги 12 метрдан (Сузма майдонида) 600 метргача (Жанубий Кўлбешкак майдонида) етади ва қатламлар таркиби вулқоноген – чўкинди ва терриген хосилалардан, юпқа донадор қумоқлар, алевролитлар, зич ҳолатдаги тўқ кулранг тусли сланецлар қатламларидан ташкил топганлиги қайд қилинган. Бу қатламлар палеонтологик жиҳатдан тавсифланмаган бўлиб, палеозой даврига тегишли деб тахмин қилинади ва БХНГҲ тоғ жарликлари кесимлари қатламларига ўхшашлиги таъкидлаб ўтилади.

Х.У.Узоқова маълумотларига кўра, юра давригача бўлган қатламлар Бухоро поғонаси ҳудудида таркиби гранитоидлар, нордон эффузив таркибга эга ҳисобланади. Таркибда гранитлар қатлами сланецлар қатламларини кесиб ўтувчи ҳолатда жойлашиб, кембрий давргача бўлган ёшга эга эканлиги тахмин қилинади.

Бухоро поғонаси ҳудудида палеозой даврига тегишли бўлган қатламлар 10 метрдан – 50 метргача (Отбоқар, Қурбонали майдонларида) ва 125 метрдан 162 метргача (Янгиқозҳан майдони, № 6 – қудуқда, Аузбой майдони, № 1 –қудуқда) қалинликда кузатилади.

**Мезазой гуруҳи** Мезазой даврига тегишли бўлган қатламлар палеозой даврига тегишли қатамлар устки қисмида жойлашган бўлиб, бурчак бўйлаб номуофиқликда қайд қилинади. Бунда алоҳида қатламларнинг барқарорлиги ва таркибда метаморфизм кузатилмаслиги билан тавсифланади.

Қатламларнинг қалинлиги ҳудудий кўламда жанубий томондан шимолий йўналишга томон қисқариб боради.

Юра даврига тегишли кесимларнинг қисқаришлари асосан, тузли – гипсли свиталар қатламлари қисқаришлари ҳисобига амалга ошади.

Мезазой гуруҳи юра ва бўр даврига тегишли бўлган тизимларни ўз ичига олади.

**Юра даври** Ўрганилаётган ҳудудларда, юра даврига тегишли бўлган қатламлар барча бурғулаш қудуқларида очилган ҳолатга келтирилиб, қатламлар

терриген ва тузли–ангидридли қатламларга ажратилади. Териген қатламларнинг шаклланиши айниқса, қуйи – ўрта юра даврига тегишли қатламлар комплекси таркибида бир йўналишдаги, бир текисда бўлмаган асос блокларининг силжишлари билан боғлиқ ҳисобланади.

Ҳудудда континентал хосилалар аргиллитлардан ташкил топган бўлиб, юпқа ҳолатда қатламланувчи қумтошлар, алевролитлар ва лойли қатламлар таркибида қайд қилинади. Қуйи юра даврига тегишли бўлган қатламлар Янгиқозған ҳудудида, № 4, 6, 10 – қазиш қудуқларида очилган.

Денгиз қатламлари қуйи қисмлари–гилли қатлам, аргиллитлар ва алевролитлардан, юқориги қисми эса, (қуйи келловей даврига тегишли қатламлар) қатламланувчи гиллар қавати, алевролитлар ва қумтош қатламларидан ташкил топганлиги қайд қилинади. Юра даврига тегишли бўлган терриген қатламлар қалинлиги қисқарган соҳаларда чуқурлик қатлами қиймати 10 метрдан (Отбоқар майдонида жойлашган № 2-қазиш қудуғида) 670 метргача (Хожиқозған ҳудудида, № 8-қазиш қудуғида) етади.

ҚГТ тадқиқотлари натижалари бўйича, юра даврига тегишли терриген қатламлар кесимларида XVII, XVIII, XIX, XX ўтказувчан горизонтлар ажратиб кўрсатилади. Айрим майдонлар қатламларида, (Кўлбешкак, Хожиқазғон, Хаққул) бу горизонтлар таркибида хом ашё тутиши жиҳатидан истиқболли ҳисобланиб, шунингдек терриген қатламларнинг қалинлиги ортишлари XIX, XX ўтказувчан горизонларда хам қайд қилинади.

Бу қатламларда яққол тарзда ифодаланган горизонтлардан бири – $Т_6$ горизонти бўлиб, қатламларнинг юқориги соҳаларида жойлашган (келловей – оксфорд қатлами).

Юра даврига тегишли карбонатли қатламлар таркиби асосан. оҳактошлардан ташкил топган бўлиб, унинг таркибида шунингдек оолит, пелитоморф кўринишидаги оҳактошлар ва шунингдек улар орасидаги фарқланувчи ўтиш қатламлари кўзга ташланади. Оҳактошлар қатламлари

кўпинча ҳолатларда таркиби кучли даражада доломитлашганлиги қайд қилинади.

Келловей – оксфорд карбонатли қатламларининг қатлам қалинлиги 10 метр атрофида бўлиб (Тошқудуқ майдонида, № 5-қазиш қудуғида), баъзи ҳудудларда 90 метр (Тошқудуқ майдони, № 2-қазиш қудуғида), 320 метргача (Учбош майдони, № 1-қазиш қудуғида) кузатилади.

Чоржой поғонаси ҳудудида келлевой – оксфорд карбонатли қатламларининг қалинлиги 236 метрдан (Отамурод майдонида) 370 метр – 440 метргача (Шимолий Сузма майдонида, № 1-қазиш қудуғида, Ҳаққул ҳудудида, №1-қазиш қудуғида, Кўлбешкак майдонида, № 6 – қазиш қудуғида) кузатилади.

Келловей – оксфорд карбонатли қатламларида таркиби бўйлаб, кимеридж – титон даврига тегишли бўлган тузли – ангидридли қатламлар хам мавжудлиги қайд қилинади. Бу пачка XV – I горизонтда ($T_6$) газ заҳиралари қатламининг тепа соҳасини қопловчи қатламларни ташкил қилади.

Кимеридж – титон даврига тегишли қатламлар таркиби ангидридлар, ола тусли гиллар, алевролитлар ва қумтошлар қатламларидан ташкил топган бўлиб, бунда қатламлар таркибида доломитлашган оҳактошлар ва мергел линзалари хам учрайди.

**Бўр даври.** Бўр даврига тегишли бўлган қатламларда ювилган юза соҳалар бўйлаб, карбонатлар қатламлари ва қуйи, юқориги қисмлар бўйлаб, эса ангидридлар қатламлари кузатилади.

Қуйи бўр ($K_1$) даврига тегишли қатламлар таркиби неоком ва денгиз кулранг тусли терриген чўкмалари, апт ва альб қатламлари, қизғиш тусли терриген қатламлардан ташкил топган. Ўтказувчан қумтошлар таркибида XII, XIII, XIV горизонтлар ажратиб кўрсатилади. Қуйи бўр даврига тегишли қатламлар қалинлиги Бухоро поғонаси ҳудудида 310 метрдан, 600 метргача етади. Қуйи бўр даврига тегишли қатламлар қалинлиги Чоржой поғонаси ҳудудида эса 450 метрдан, 650 метргача етиши қайд қилинади.

Юқори бўр даврига тегишли қатламлар таркиби сенон, турон ярuслари ва сеноман кенжа яруси мураккаб тарздаги кулранг тусли терриген чўкиндилар қатламларидан ташкил топган бўлиб, таркибида оҳактош ва мергел қатламлари хам кўзга ташланади.

Юқори бўр даврига тегишли бўлган қатламларнинг қалинлиги Чоржой поғонасида 1170 метргача етиши аниқланган.

**Кайназой гуруҳи** Кайназой даврига тегишли қатламлар таркиби палеоген, неоген ва антропоген қатламлардан ташкил топган.

Палеоген даври қатламларининг қуйи қисмлари таркибида палеоцен даври Бухоро қатламларига тегишли бўлган кулранг оҳактошлар, сарғиш – кулранг тусдаги, зичлашган, баъзи жойларда дарз кетишлар соҳаларига эга бўлган, қумтош таркибли қатламлар кузатилади. Бу қатламлар барча жойларда ривожланган бўлиб, барқарор ҳолатдаги сейсмик репер ҳисобланади. Қатламнинг қалинлиги 8 метрдан, 50 метргача оралиқда ўзгаради.

Палеоген даврига тегишли бўлган оҳактошлар қатлами тўқ тусли яшил ва яшил – кулранг тусли эоцен даври гиллари қатламларидан (40 метр қалинликда) ташкил топган бўлиб, таркибининг органик моддаларга жуда бойлиги билан тавсифланади.

Палеоген даврига тегишли қатламларнинг ювилган юза соҳаларида неоген даврига тегишли бўлган қатламлар, (0 – 110 метргача қалинликда) кузатилиб, унинг таркиби қумтошлар, гиллар ва алевролитлардан ташкил топган.

Тўртламчи қатламлар таркиби гиллар, қумтошлар қатламларидан ташкил топганлиги қайд қилинади. Қатламлар қалинлиги 30 – 40 метрни ташкил қилади.

## ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР


1. Гафурова Н.А. «Поисковые сейсморазведочные работы ОГТ в северо-западных частях Бухарской и Чарджоуской ступеней». Янгиказганская с/п № 2/94-97. Бухара, 1998. Фонды ОАО БГЭ.
2. Бабаджанов Т.Л., Кунин Н.Я., Лук-Зильберман Б.Н. Строение и нефтегазоносность глубокопогружённых комплексов Средней Азии по геофизическим данным. Ташкент, Фан, 1986.
3. Эгамов В.С. «Поисковые сейсморазведочные работы ОГТ в северо-западных частях Бухарской и Чарджоуской ступеней БХНГО». Северо-западная с/п № 4/96-99. Бухара, 2000. Фонд ОАО БГЭ.
4. Отчёт по подсчёту запасов газа и конденсатов месторождения Сев. Сузьма в Республике Узбекистан, 1994г., Жуковский Б.А., Пак С.А. и др.
5. Колесникова Н.А., Чекученко Н.Н. Поисково-детальные сейсморазведочные работы МОВ и ОГТ в пределах северо-западной части Чарджоуского поднятия, выполненных в 1976-77г.г. Отчёт Ходжиказганской с/п № 8/76-77, г. Бухара, 1979. Фонды ОАО БГЭ.